

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ
ФУҚАРОЛИК ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУДЛОВ ҲАЙЪАТИНИНГ
А Ж Р И М И**

2022 йил март ойининг 2 куни Ўзбекистон Республикаси Олий суди фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати, очик суд мажлисида, суд биносида

Раислик қилувчи: судья М.Рабиева,

Ҳайъат аъзолари: судьялар Г.Мирзаева, О.Қодировлардан иборат таркибда, Б.Норбоевнинг котиблигида, адвокат О.Қурбонов ҳамда тарафларнинг иштирокида,

Даъвогар ХХХнинг жавобгар ХХХ ва ХХХга нисбатан нафақа ва бошқа тўловларни ҳамда моддий зарарни ундириш ҳақидаги даъво аризаси бўйича юритилган фуқаролик иши юзасидан қабул қилинган фуқаролик ишлари бўйича Яккасарой туманлараро судининг 2021 йил 12 августдаги ҳал қилув қарори ва Тошкент шаҳар суди фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2021 йил 5 ноябрдаги ажримига нисбатан даъвогар ХХХнинг кассация шикоятини фуқаролик иши материаллари асосида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Даъвогар ХХХ жавобгарлар ХХХ ва ХХХга нисбатан 2011 йил сентябрь ойдан 2015 йил февраль ойига қадар нафақа ва бошқа тўловлар тайинланмай, тўланмай қолганлиги сабабли етказилган моддий зарарни пулни кадрсизланишини инобатга олиб, ундириб бериш ҳақидаги даъво аризаси билан судга мурожаат қилган.

Тошкент шаҳар суди фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2021 йил 5 ноябрдаги ажрими билан ўзгаришсиз қолдирилган Яккасарой туманлараро судининг 2021 йил 12 августдаги ҳал қилув қарорига кўра, даъвогарнинг даъво талаблари қаноатлантиришдан рад этилган.

Суд ҳужжатларидан норози бўлиб, даъвогар ХХХ кассация шикояти келтирган.

Олий суд судьясининг 2022 йил 21 февралдаги ажрими билан кассация шикояти суд муҳокамасида кўриб чиқиш учун тайинланган.

Судлов ҳайъати иш бўйича маърузани, адвокатнинг фикри ва тарафларнинг тушунтиришларини тинглаб, шикоятдаги важларни иш ҳужжатлари асосида муҳокама қилиб, қуйидаги хулосага келди.

Иш ҳужжатларига кўра, ХХХ 1988 йилдан бошлаб узлуксиз Ички ишлар органларида хизмат қилиб келган.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Транспортдаги ички ишлар бошқармасининг 2011 йил 27 августдаги 27 ш/т сонли буйруғига кўра, ХХХ “Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органларни хизматни ўташ ҳақидаги

муваққат Низом” нинг 67-моддаси, “ж” бандига мувофиқ шахсий билдиргисига асосан хизматдан бўшатишган.

Жиноят ишлари бўйича Сирдарё вилоят судининг 2012 йил 19 апрелдаги ҳукмига асосан ХХХ Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 210-моддаси, 3-қисми “б ва в” бандларида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбдор деб топилган ва унга 15 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

Жиноят ишлари бўйича Сирдарё вилоят суди кассация инстанциясининг 2013 йил 18 июлдаги ажрими билан ХХХга нисбатан тайинланган озодликдан маҳрум қилиш жазоси камайтирилган.

Жиноят ишлари бўйича Бўка туман судининг 2014 йил 15 декабрдаги ажрими билан ХХХга нисбатан қўлланилган озодликдан маҳрум қилиш жазоси бекор қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2015 йил 15 октябрдаги ажрими билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2012 йил 5 декабрдаги Амнистия акти ҳамда 2013 йил 12 декабрдаги Амнистия актига асосан қўлланилган жазо учдан бир қисмга қисқартирилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг 2020 йил 30 январдаги РС-23-20-сонли қарорига асосан, Олий суд жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг ажрими ҳамда Сирдарё вилоят суди кассация инстанциясининг ажрими бекор қилинган ва иш янгидан кўриш учун кассация инстанцияси судига юборилган.

Жиноят ишлари бўйича Сирдарё вилоят суди кассация инстанциясининг 2020 йил 11 июндаги ажрими билан ХХХга нисбатан қўзғатилган жиноят иши ҳаракатдан тугатилган ва тўлиқ реабилитация қилинган.

Шундан сўнг ХХХ реабилитация қилинганлиги натижасида етказилган зарарни ундириш масаласи бўйича Сирдарё вилоят судига мурожаат қилган.

Суднинг 2021 йил 18 майдаги хати билан ХХХга мулкӣ ва маънавий зиённи қоплаш масаласида фуқаролик ишлари бўйича судга мурожаат қилиш ҳуқуқи тушунтирилган.

Шундан кейин, даъвогар ХХХ судга мазкур даъво талаби билан мурожаат қилган.

Биринчи инстанция суди Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонуннинг 43, 46-моддаларига асосан, ХХХ пенсия тайинлашни сўраб мурожаат қилмаганлиги учун унга пенсия тайинланмаганини инобатга олиб, даъвони рад қилиш ҳақидаги қонуний хулосага келган.

Тошкент шаҳар суди апелляция инстанцияси ҳам биринчи инстанция судининг хулосаси билан асосли равишда келишган.

Судлов ҳайъати кассация шикоятдаги Ўзбекистон Республикаси ИИБ Транспортдаги ИИБ бошлиғи Р.Гафаров номига ёзган билдиргисида эгаллаб турган лавозимидан озод қилиб, нафақага чиқаришни сўраганлиги кўрсатилган бўлса-да, қуйи судлар ушбу ҳолатни инобатга олмаганлиги ҳақидаги важи билан келишмайди.

Чунки, даъвогар томонидан ёзилган билдиргида соғлиғи ёмонлашганлиги сабабли эгаллаб турган лавозимидан озод этиб, нафақага чиқишга рухсат бериш сўралган ва тиббий кўриқдан ўтишга муҳтожлиги кўрсатилган.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси ИИВ Транспортдаги ИИБ ШТБИХнинг 2015 йил 3 февралдаги хулосасида, ХХХ 2011 йил 22 августдаги шахсий таркиб бўйича 27-сонли буйруқ билан Ички ишлар идоралари хизматидан Қуролли кучлар захирасига бўшатирилганлиги, унинг Ички ишлар идораларидаги хизмат йили нафақа тайинлаш учун етарли бўлганлиги сабабли нафақа ҳисобини расмийлаштириш учун чақиртирилганлиги, ХХХ Транспортдаги Ички ишлар бошқармасига 2015 йил 14 январда етиб келганлиги, ушбу ҳолат бўйича сўралганда, ўз тушунтириш хатида соғлиғи яхши бўлмаганлиги сабабли ҳужжатларни тақдим эта олмаганлиги, 2015 йил 14 январь куни бошқарма аппаратида етиб келиб бошқарма раҳбарияти номига нафақа расмийлаштириш бўйича ариза билан мурожаат қилганлигини баён қилган.

Шунингдек, судлов ҳайъати кассация шикоятдаги реабилитация қилингандан кейин унинг пенсия олиш ҳуқуқи тикланиши лозимлиги ҳақидаги важи билан ҳам келишмайди. Чунки Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 304-моддасига кўра, реабилитация этилган шахсга ушбу Кодекснинг 302 ва 303-моддаларида кўрсатилган қонунга хилоф ҳаракатлар билан етказилган мулкий зиён тўла ҳажмда қопланади.

Қуйидагилар қопланиши лозим бўлади:

1) реабилитация этилган шахс ўзига нисбатан содир этилган қонунга хилоф ҳаракатлар натижасида маҳрум бўлган иш ҳақи ва меҳнатдан топиладиган бошқа даромадлар;

2) пенсия ва нафақалар, башарти уларни тўлаш тўхтатиб қўйилган бўлса;

3) пуллар, пул жамғармалари ва уларга тўланадиган фоизлар, давлат заёми облигациялари ва уларга чиққан ютуқлар, акциялар ва бошқа қимматли қоғозлар, шунингдек суднинг ҳукми, ажримига (қарорига) асосан мусодара қилинган ёхуд давлат фойдасига ўтказилган ашёлар ёхуд бошқа мол-мулкнинг қиймати;

4) суриштирув, дастлабки тергов органлари ёки суд томонидан олинган ва йўқотилган мол-мулк қиймати;

5) суд ҳукмини ижро қилиш чоғида ундирилган жарималар ва суд чикимлари;

6) юридик ёрдам кўрсатилиши учун шахс томонидан юридик маслаҳатхонага тўланган пул, шунингдек унга нисбатан содир этилган қонунга хилоф ҳаракатлар натижасида қилинган бошқа харажатлар.

Юқоридаги қонун нормасида пенсия ва нафақалар, башарти уларни тўлаш тўхтатиб қўйилган бўлса қопланиши кўрсатилган бўлиб, ушбу ҳолатда, даъвогарга 2011 йилда пенсия тайинланмаган бўлган.

Юқоридагиларни инобатга олиб, судлов ҳайъати қуйи судларнинг хулосалари билан келишади ва қабул қилинган суд ҳужжатларини ўзгаришсиз, шикоятни қаноатлантирмасдан қолдиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 419-моддаси 1-бандига кўра, кассация инстанциясининг суди кассация шикоятини (протестини) кўриш натижалари бўйича ҳал қилув қарорини, ажримни, қарорни ўзгаришсиз, кассация шикоятини (протестини) эса қаноатлантирмасдан қолдиришга ҳақли.

Баён этилганларга кўра, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 419¹-моддасига қўлланиб, судлов ҳайъати

А Ж Р И М Қ И Л Д И:

Мазкур иш юзасидан қабул қилинган фуқаролик ишлари бўйича Яккасарой туманлараро судининг 2021 йил 12 августдаги ҳал қилув қарори ва Тошкент шаҳар суди фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2021 йил 5 ноябрдаги ажрими ўзгаришсиз, келтирилган кассация шикояти қаноатлантирилмасдан қолдирилсин.

Раислик этувчи	(имзо)	М.Рабиева
Ҳайъат аъзолари	(имзо)	Г.Мирзаева
	(имзо)	О.Қодиров
<i>Аслига тўғри:</i>		<i>М.Рабиева</i>